

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2018
февраль

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.ЎРИНОВ, М.РАХИМОВА Иккинчи тартибли интегро-дифференциал тенглама учун аралаш чегаравий масала	5
А.МАДРАХИМОВ, С.КУКИЕВА Математик статистиканинг таҳлил қилиш усулининг бир масалага татбиғи	9
З.СИДДИҚОВ Математик моделлаштириш кўникмасини шакллантириш асосида талабаларни касбга йўналтириш	12

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Ш.ЯКУБОВА, Н.НОСИРОВ, О.ТЎЛАНОВ Газларнинг молекуляр-кинетик назариясининг асосий тенгламаси	17
З.ХУСАНОВ, Б.ОМОНОВ Умумий ўрта таълим мактабларида “Ой - Ернинг табиий йўлдоши” мавзусини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш	20

КИМЁ

М.АХМАДАЛИЕВ Дифурфурилиденацетон-ДИФА ҳосил бўлиш реакцияси	23
--	----

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Ё.ҚАЮМОВА, Д.КОМИЛОВА, Б.БАХРОМОВА Қўлоғирлик сезгисининг турли ёшдаги болаларда ривожланишининг психофизиологик хусусиятлари	28
---	----

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.ПИРНАЗАРОВ Қурбонқўлнинг пайдо бўлиши ва қўл ҳавзасининг табиий шароити	31
У.МИРЗАЕВ Исфайрам-Шоҳимардонсой конус ёйилмалари тупроқлари шўрланиш ва шўрсизланишининг умумий қонуниятлари	34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ЭРГАШЕВ Реал сектор корхоналарини инновацион ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	39
---	----

ТАРИХ

С.ШАДМАНОВА XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Тошкент шаҳрининг санитар аҳволи ва муаммолари	43
Б.УСМОНОВ Одилшоҳ Жалойир исёни: сабаб, жараён ва оқибат	47

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Т.АБДУЛЛАЕВ Фанлар интеграциялашувида фалсафанинг ўрни	51
--	----

ОДИЛШОҲ ЖАЛОЙИР ИСЁНИ: САБАБ, ЖАРАЁН ВА ОҚИБАТ

Б.Усмонов

Аннотация

Мақолада Одилшоҳ жалойир исённинг сабаблари, ушбу исённинг бостирилиш жараёни, унинг оқибатида Фарғона водийсида юз берган маъмурий ўзгаришлар ҳамда Умаршайх мирзо ҳокимлигидаги маркази Андижон шаҳри бўлган Фарғона мулкнинг ташкил этилиши масаласи ўрганилган.

Аннотация

В статье изучены причины восстания Адылшаха джалайира, процесс его подавления, административные изменения, произошедшие в Ферганской долине в результате восстания, а также вопрос создания Ферганского владения с центром в Андижане под управлением Умаршайха Мирзо.

Annotation

The reasons of the Adylshah Jalaiir revolt, the process of its suppression, the administrative changes that occurred in the Ferghana Valley as a result of the uprising, and the issue of the creation of the Ferghana possession with the center in Andijan under Umarshayh Mirzo are studied in the article.

Таянч сўз ва иборалар: Фарғона водийси, Мўғулистон, Андижон, Марғилон, Хўжанд, суюрғол, жулду, иқта, исён, Амир Темур, Умаршайх Мирзо, Одилшоҳ жалойир, Сари Буға, Ҳамди.

Ключевые слова и выражения: Ферганская долина, Моголистан, Андижан, Маргилан, Ходжент, суюргал, жулду, икта, восстание, Амир Темур, Умаршайх Мирзо, Адылшах джалайир, Сари Буға, Ҳамди.

Key words and expressions: Ferghana valley, Moghollstan, Andijan, Marghilan, Khodjent, suyurgal, juldu, ikta, revolt, Amir Temur, Omarshaikh Mirzo, Adylshah Jalaiir, Sari Buga, Khamdi.

Амир Темур томонидан Фарғона улусининг ташкил этилиши масаласи тарихшунослигимизда кам ўрганилган мавзулардан биридир. Фарғона улусининг ташкил этилишида эса Амир Темур ҳокимиятига қарши 1376 йили Мовароуннаҳрнинг шимолий-шарқий ҳудудларида бўлиб ўтган исённинг таъсири катта бўлди. Ушбу исёнда Одилшоҳ жалойир, Сари Буға ва Амир Ҳамдилар етакчилигидаги кучлар қатнашган. Исёнда иштирок этган амирларнинг сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан энг нуфузлиси Одилшоҳ жалойир бўлганлиги учун ҳам мазкур исёни “Одилшоҳ жалойир исёни” номи билан аташ мумкин. Дастлаб ушбу исённинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида сўз юритамиз.

Амир Темур Оқ Ўрда ва Мўғулистонни тор-мор этмасдан туриб Туркистон, Тошкент воҳаси ва Фарғона водийсида ўз ҳокимиятини тўла ўрната олмас эди. Шунинг учун ҳам Соҳибқирон Мўғулистонни кучсизлантиришга қатъий интилди ва унинг ҳукмдори Қамариддинга қарши 1375 йилда катта юриш бошлади.

Илғор сифатида Жаҳонгир мирзо бошчилигида Хўжанд ҳокими Одилшоҳ жалойир ва амирлардан Шайх Муҳаммад Баён Сулдузларнинг қўшинларидан иборат лашкар жўнатилди. Ушбу

юриш давомида биринчи марта Амир Темур қўшини Мўғулистоннинг ичкари ҳудудларига кириб боради ва унинг қудратига катта зарба беради. Ушбу ғолибона юриш нафақат Мўғулистонда, балки Мовароуннаҳрнинг шимолий-шарқий қисмида ҳукмронлик қилган ва ягона марказлашган давлат барпо этилишини истамаган амирларнинг сиёсий ва ҳарбий мавқеини кескин пасайтирди. Амир Темур Мўғулистондан Фарғона водийси орқали қайтади. Шу жараёнда Соҳибқирон биринчи бор водий ҳудудига қадам қўяди. У Фарғона водийсига шарқдан кириб келиб Ўзганд, Марғилон, Хўжанд шаҳарлари орқали Самарқанд томон йўл олади. Мазкур юришдан манфаатдор бўлмаган Хўжанд ҳокими Одилшоҳ бошлиқ бир гуруҳ амирлар Амир Темурга қарши суиқасд тайёрлашга қарор қилдилар. “Хўжанд қасабаси унинг иқтоъси бўлган Одилшоҳ жалойир, - деб ёзади Муиниддин Натанзий, - тузқу ва соврин баҳонасида рухсат сўраб, ҳумоюн ташриф учун тўй асбоблари ҳамда ҳазрат ва мавкаб учун пешкашлар тайёрлаш важдан олдинроқ йўлга тушди. Иттифоқан, у Шайх Муҳаммад Баён, Туркон Арлот ва бошқа бир гуруҳ бадқирдорлар билан тўй асноси ва ош тортишу қадаҳ суниш пайтида Султон ғозийга

Б.Усмонов – ФарД тарих кафедраси доценти, тарих фанлари номзоди.

шамширлар билан ҳамла қилиш ҳақида тил бириктирган эди. Соврину савсанларни ҳозирлаб тақдим этиш асносида Султон ғозий уларнинг бежо хатти-ҳаракатларидан баъзи нарсаларни фаҳмлаб, ош тортилишидан бурун отга миниб йўлга тушди. Ул бадкирдорлар анграйиб, жой-жойида туриб қолишди” [1.189]. Суиқасд амалга ошмагач, Одилшоҳ жалойирнинг ўзи ўша йилнинг қишида Занжирсаройда яшаётган Соҳибқирон олдига бориб, айбига иқрор бўлади ва жазодан кутулиб қолади.

Қиш ўтиб, баҳор келгач, Амир Темур Хоразмга юриш қилиш мақсадида барча амир ва бекларни ўз қўшинлари билан чақириб, лашкар тўплайди. Ушбу юриш бошланиши арафасида Муҳаммад Баён Сулдуз ҳибсга олиниб, қатл этилади. Шарафуддин Али Яздий бу воқеани “Ҳазрат Соҳибқирон Шайх Муҳаммад Баён Сулдузни туттурди. Бас, таҳқиқ қилгондин гуноҳи зоҳир бўлди”, деб изоҳлайди [2.78]. Низомиддин Шомий эса бу ҳақда “Шу ҳол асносида Шайх Муҳаммад Баёни тутиб, гуноҳини бўйнига қўйгач, ёсоққа етказди...”, деб ёзади [3.98]. Муиниддин Натанзий эса улардан фарқли ўлароқ, қўшимча қизиқарли маълумотлар тақдим этади. “Султон ғозий ўзи (мамлакатда) йўқлигида, - деб ёзади у, - амир Юсуф сўфи содир этган бир неча ёғиёна хатти-ҳаракат туфайли унинг танобини тортиб қўйишга қарор қилди. Ҳазрат узоқ-яқиндаги барча сардорларни чақириб, бу ҳақда машварат ўтказди. Шайх Муҳаммад Баён эътироз билдирди. Унинг сўзлари мазмунидан Султони ғозийга шу нарса маълум бўлдики, душманларни йўқотиш ишида иттифоқ бўлгуси йўқ. Ҳазрат уни ҳаялламасдан ясоққа етказишга фармон берди” [1.190]. Юқорида келтирилган маълумотлардан, Темурга қилинган суиқасднинг жазосиз қолдирилиши ғанимларнинг ўз кучига бўлган ишончини орттирди, деб тахмин қилиш мумкин. Шунинг учун уларнинг етакчиси машваратда Амир Темурга қарши чиқишга журъат этди. Шу вақтда амир Боязид жалойирнинг икки ўғли - ўз вақтида Хўжандни бошқарган Али Дарвеш ва унинг иниси Муҳаммад Дарвешлар ҳам ўлдирилади. Гарчи, Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийлар амир Боязид жалойир ўғилларининг қатли сабаблари ҳақида алоҳида тўхталмасалар-да, Фасиҳ Хавофий амир Боязид жалойирнинг ўғиллари ҳам Амир Темур ҳаётига суиқасд

қилганликлари учун қатл этилдилар, деб таъкидлайди [4.98]. Суиқасдга алоқадор бўлган яна бири шахс - Туркон Арлот ҳам Одилшоҳ жалойир каби кечирилган бўлса керакки, Шарафуддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, Муиниддин Натанзий ва Фасиҳ Хавофийлар у ҳақида ҳеч нарса демайдилар [2.78-79; 3.98; 1.190; 4.98]. Амир Темур муҳим юриш олдидан йирик амирлардан бири бўлган Хўжанд ҳокими Одилшоҳ жалойир ва ҳозирги Афғонистоннинг шимолидаги ҳудудларда катта мулкка эга бўлган Туркон Арлотларнинг жиноятдан яна бир бор кўз юмишга қарор қилган кўринади. Лекин уларни турли томонга бўлиб юборади. Яъни, Туркон Арлотга Хоразм юришида қатнашиш белгиланган бўлса, Одилшоҳ жалойирга ўзга вазифа топширилади. 1376 йилнинг баҳорида давлатга хиёнатда айбланиб қатл қилинган уч нафар амирдан икки нафари жалойир қабиласининг вакиллари эди. Бу ҳам ушбу қабилга етакчиларининг марказлашган ҳокимиятнинг мустаҳкамланиб боришига нечоғлиқ қарши бўлганликларини кўрсатади. Шу билан бирга бу ҳолат кўп ўтмай Одилшоҳ жалойир бошчилигида Амир Темурга нисбатан очикдан-очик ҳарбий исён бошланишига туртки бўлган бўлса, ажаб эмас.

Амир Темур 1376 йили Хоразмга навбатдаги юришни бошлар экан, Одилшоҳ Жалойир ва Сари Буғани 30 минг кишилик қўшин билан Мўғулистонга, унинг ҳукмдори амир Қамариддинга зарба бериш учун жўнатади. Уч нафар амир суиқасд қилишда айбланиб, қатл этилган вақтда хиёнатчиларнинг шериги бўлган бу икки амирга тўлиқ ишониб бўлмаслигини билганлиги учун уларга ўзининг ишончли амирларидан Хитой Баҳодир ва Элчи Буға Баҳодирни ҳамроҳ этиб юборади. Шарафуддин Али Яздийнинг маълумотларига кўра Амир Темур Одилшоҳ Жалойир, Сари Буға, Хитой Баҳодир ва Элчи Буға Баҳодирларни 30 минг кишилик қўшин билан Мўғулистонга жўнатган. Натанзий эса Соҳибқирон Одилшоҳ Жалойир, Сари Буғани у ерга йигирма минг кишилик қўшин билан юборганлигини, хос кишиларидан бўлмиш Хитой Баҳодир ва Элчи Буға Баҳодирларни эса уларга ҳамроҳ қилганлигини таъкидлайди. Бундан Одилшоҳ Жалойир ва Сари Буғанинг қўшини 20 минг кишини, уларга ҳамроҳ бўлган Хитой Баҳодир ва Элчи Буға Баҳодирларнинг

ТАРИХ

қўшини эса 10 минг кишини ташкил этганлиги ойдинлашади.

Лекин, хиёнатчилар ўз фикрларидан қайтмаган эдилар. Сари Буға ва Одилшоҳ жалойир Элчи Буға Баҳодир ва Хитой Баҳодирни ҳибсга олиб, яна исён бошлайдилар. Улар исёнга Андижон вилояти доруғаси амир Ҳамдини ҳам жалб қилишга эришадилар ва у билан биргаликда пойтахт Самарқанд шаҳрига юриш бошлайдилар. Исёнчиларнинг Самарқанд шаҳрига етиб келиб, уни ҳужум билан босиб олишга интилишларидан кўринадики, Шарафуддин Али Яздий таъкидлаганидек, исёнчилар жалойир, қипчоқ қабилалари ва амир Ҳамди қўшинларидан иборат катта лашкар тузишга эришган эдилар [2.79]. Муҳаммад Ҳайдар мирзо ҳам ўзининг “Тарихи Рашидий” асарида мазкур исёнда қипчоқ ва жалойир қабилаларининг фаол иштирок этганлигини, Самарқанд шаҳри учун эса шиддатли жанглар олиб борилганлигини таъкидлайди. “Ҳазрат Соҳибқирон, - деб ёзади муаррих, - Мўғулистонга юборган гуруҳлар ичидан Сор Буға ва Одилшоҳлар Самарқанднинг ҳоли эканлигини билиб, қинғир ишни кўнгилга тугишди ва Хитой Баҳодир билан Элчи Буғани ушлашди. Ҳазрат Соҳибқирон Андижонда доруға мансабида қолдирган Ҳамид улар билан иттифоқ бўлди. Ўз уруғлари – жалойир ҳамда қипчоқларни тўплаб, Самарқандга жўнашди ҳамда шаҳар қалъасини эгаллашга киришишди. Шаҳар халқи тинимсиз ўқ отиб, буларни шаҳарга киришга қўймади” [6.107; 5.72].

Исёнга аввалдан пухта тайёргарлик кўрилганлиги кейинги воқеалар ривожига яққол кўзга ташланади. Амир Темур ўз қўшинлари билан Хоразм чегараларига кириб келган вақтда, яъни, Натанзийнинг ёзишича Сабҳонага, Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийларнинг ёзишларича Сепоя мавзеига етиб келган вақтда қўшин сафида бўлган Туркон Арлот исён кўтариб, лашкари билан ўз мулки бўлган Фарёб томонга қочиб кетади. Амир Темур унга қарши қўшин юборгандан кейингина, исёнчилар Самарқандни қамал қилганлиги ҳақида хабар олий ўрдага етиб келади. Бу ҳам Одилшоҳ жалойир ва Сари Буғаларнинг исёни Туркон Арлот билан аввалдан режалаштирилиб, ўзаро иттифоқликда амалга оширилганлигини тахмин қилишга имкон беради. Қўшиннинг бир қисмини Туркон Арлотга қарши юборган Амир

Темур Хоразм юришини тўхтатиб, қолган аскар билан Самарқанд томон қайтади. Душманга тезроқ зарба бериш мақсадида лашкардан илғор ажратиб, Жаҳонгир мирзо бошчилигида исёнчиларга қарши юборади. Исёнчилар ўз кучларига шу қадар ишонган эдиларки, Жаҳонгир мирзо бошчилигидаги қўшин яқинлашаётганини эшитгач, уларга йўлдаёқ зарба бериш мақсадида Самарқанддан шаҳзода қўшинига пешвоз чиқиб борадилар. Икки томон лашкари Кармана шаҳри яқинида учрашиб, шиддатли жангга киради. Жангда мағлуб бўлган исёнчилар Дашти Қипчоққа чекиндилар.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийлар ўз асарларида исён ҳақида хабар топган Амир Темур Самарқандга ёрдам учун Жаҳонгир мирзони илғор қилиб жўнатганлигини баён этишган [2.79; 3.99]. Лекин Муиниддин Натанзий илғор қилиб Умаршайх мирзо жўнатилганлигини таъкидлаб, жанг воқеаларини ҳам батафсил ҳикоя қилади. “Султон Ғозий, - деб ёзади Натанзий, - амирзода Умаршайхни манғлой қилиб лашкарлари билан олдинроқ жўнатган эди. Улар Кармина қасабасига етиб келишганида, ёғий лашкарининг қораси кўринди. Олам аҳли амирзодаси Умаршайх баҳодир бир неча хос кишиси билан қаровул тариқасида олдинга юганида, тўсатдан душманнинг минг чавандози кузатиб турган пистирма устидан чиқиб қолди. Ёғийлар пистирмадан ёпирилиб, қиёмат зилзиласининг ғулғуласи фалак авжига етди. Олам аҳли шаҳзодаси таваккалига ҳамла қилишдан ўзга чора йўқлигини англаб, қалқонни боши узра кўтариб ва бошини эгар қошигача энгаштириб, ғазабнок шер каби биллак кучи ва шамширин ишга солиб, душманнинг қоқ ўртасига ўзини урди. Гўёким тўқайга тушган оташ алангаси ёки чўпонсиз сурувга ҳамла қилган оч бўри каби барчасини тор-мор келтирди ва бир фарсанг масофагача қувиб борди” [1.190-191]. Бизнингча, Жаҳонгир мирзо раҳбарлигида жўнатилган қўшин сафида Умаршайх мирзо ҳам бўлган ва у бу жангда қаровул қисми бошқарган бўлиши керак. Натанзий ўзининг ушбу асарини Умаршайх мирзонинг ўғли Искандар мирзога тақдим этганлиги сабабли, Умаршайх мирзо фаолиятига кўпроқ эътибор қаратган кўринади. Балки, ушбу исён бостирилгач, Фарғона водийсининг айнан Умаршайх мирзога тақдим этилиши ҳам

Натанзийнинг шундай хулоса чиқаришига асос бўлган бўлиши мумкин.

Кармана жангида мағлуб бўлган исёнчилар дастлаб Оқ Ўрдага қочиб бориб, у ердан Амир Темурга қарши курашиш учун мадад мадад олишга ҳаракат қиладилар. Аммо Оқ Ўрдада ўз ҳокимиятини янада мустақамлаш учун курашаётган ва бутун Жўчи улусини қайта тиклаш орзусида бўлган Урусхон Мовароуннаҳр масаласига қизиқиш билдирмайди.

Амир Темур эса мамлакатнинг шарқий қисмини исёнчилардан тўла тозалаб, маъмурий ўзгаришларни амалга оширади. Шарафуддин Али Яздий Умаршайх мирзога Фарғона водийсини суюрғол қилиб берилиши борасида “амирзода Умаршайхни Андижонга йибарди” дейиш билан чекланган бўлса [2.80], Низомиддин Шомий воқеалар баёнини тўғридан - тўғри Умаршайхни Андижон шаҳрида эканлигидан бошлайди [3.100]. Муиниддин Натанзий бу воқеага алоҳида эътибор қаратиб, ўз асарининг бир фаслини мазкур воқеа баёнига бағишлайди. “Олам Шаҳзодасининг саъй-ҳаракатлари туфайли тўла ғалаба муяссар бўлгач, - деб ёзган эди муаллиф, - жулду (инъом) тариқасида

Ўзжанднинг ўн икки тумани ҳазратга иқтоъ қилиб берилди ва жаҳон бўйсунувчи фармонга мувофиқ амирзода ул тарафга отланди” [1.191]. Натанзий маълумотининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда Умаршайх мирзога Фарғона водийсининг ўн икки тумани инъом этилганлиги алоҳида таъкидланган. Бу ўн икки туман ичига Хўжанд беклиги ҳам кирган эди. Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийлар берган маълумотдан эса янги ташкил этилган мулкнинг маркази Андижон шаҳри бўлганлиги ойдинлашади. Бу фикрни воқеаларнинг кейинги ривожини ҳам тасдиқлайди [2.80; 3.100; 7.87].

Айнан шу исён оқибатида Фарғона водийсининг маъмурий тузилишида катта ўзгаришлар юз берди. Аввало, Хўжанд беклиги тугатилди ва у ерда яшовчи жалойир қабиласи Мовароуннаҳр бўйлаб тарқатиб юборилди. Хўжанд беклиги ва амир Ҳамди бошчилигидаги Андижон вилояти бирлаштирилиб, ягона Фарғона мулки сифатида Умаршайх мирзога суюрғол қилиб берилди. Бу Фарғонада Амир Темур ҳокимиятининг тўлиқ ўрнатилганлигини расмийлаштирилиши эди.

Адабиётлар:

1. Муиниддин Натанзий . Мунтахаб ут-таворихи Муиний. / Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ғулом Каримий. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
2. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари А. Аҳмад ва Ҳ. Бобобеков. – Т. : Шарқ, 1997.
3. Низомиддин Шомий. Зафарнома. / Форс тилидан ўгирувчи – Ю. Ҳакимжонов, таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир – А. Ўринбоев, изоҳлар ва луғатларни тузувчи – Ҳ. Кароматов (жуғрофий номлар изоҳи – О. Бўриевники), Ҳофизи Абрунинг «Зафарнома»га ёзган «Зайл»и («Илова»)ни форсийдан ўгирувчи ва изоҳларини тузувчи – О. Бўриев. – Т. : Ўзбекистон, 1996.
4. Фасих Хавафи. Муджмал-и Фасихи. / Пер. предис., примеч. и указатели Д. Ю. Юсуповой. – Т. : Фан, 1980.
5. Мирзо Мухаммад Хайдар. Тарих-и Рашиди. / Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р.П. Джалиловой, Л.М. Епифановой, примечания и указатели Р.П. Джалиловой и Л.М. Епифановой. – Т.: Фан, 1996.
6. Мухаммад Хайдар Мирзо Тарихи Рашидий. / Сўз боши ва изоҳлар муаллифи ҳамда таржимонлар В. Раҳмонов ва Я. Эгамова. – Т.: Шарқ, 2010.
7. Ғиёсиддин ибн Ҳумоиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар (Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст). / Форс тилидан таржима, муқаддима муаллифлари И. Бекжонов, Ж. Ҳазратқулов; масъул муҳаррир А. Аҳмедов; махсус муҳаррир В. Раҳмонов. – Т.: Ўзбекистон, 2013.

(Тақризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).